

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

4-2018
август

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

Аниқ ва табиий фанлар

ФИЗИКА, ТЕХНИКА

А.АБДУҚОДИРОВ, Д.УМУРЗАКОВА

Сунъий нейрон тармоқлари ёрдамида нутқни таниш масалаларини тадқиқ этиш 5

КИМЁ

Н.ЎЛАКОВ, И.АСҚАРОВ, Ю.ИСАЕВ, Қ.ОТАХОНОВ

Ферроценкарбон кислотанинг айрим ҳосилалари синтези ва уларни ТИФ ТН асосида синфлаш 11

А.ЕШИМБЕТОВ, Ш.КУРБАНБАЕВА, Ш.ТУРҒУНБОЕВ, А.ХАИТБАЕВ

Бетулиннинг назарий ва экспериментал геометрик характеристикаларини таққослаш 15

БИОЛОГИЯ, ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ

И.ЗОКИРОВ

Ширалар (APHIDIDAE) популяция динамикасининг регрессион таҳлили 22

ГЕОГРАФИЯ, ТУПРОҚШУНОСЛИК

Г.ЮЛДАШЕВ, М.ИСАГАЛИЕВ, Д.ДАРМОНОВ

Чўл минтақа тупроқларига коллектор-зовур сувларининг таъсири 26

Ижтимоий-гуманитар фанлар

ИҚТИСОДИЁТ

А.АБДУЛЛАЕВ, К.КУРПАЯНИДИ

Ўзбекистонда тадбиркорликни ривожлантириш самарадорлигини аниқлаш масалалари ҳақида 32

ТАРИХ

Р.АРСЛОНЗОДА

XIX асрнинг 60-70-йиллар рус матбуоти саҳифаларида Алимқули амирлашкар сиймоси 38

Д.ЭШБЕКОВА

Ташвиқот кампаниялари, МОПР ташкилотининг Ўзбекистондаги учрашув ва митинглари (1920) 42

М.РАСУЛОВ

Ўзбек миллий қадриятларининг тикланиши ва мустаҳкамланишида тарихий ва маданий ёдгорликларнинг ўрни 46

Н.ҲАМАЕВ

Туркистонда совет режимига қарши қуролли ҳаракат – даврий матбуот нигоҳида 50

АДАБИЁТШУНОСЛИК

Й.СОЛИЖОНОВ

Бадий ҳақиқат ва муаллиф муносабати 54

Л.ПУЛАТОВА

Романнинг жанр-услубий янгиланиши 58

К.ТОПВОЛДИЕВ

Пушкиннинг “Қуръонга тақлид” циклидаги ориентализм 62

Г.ЕСКАРАЕВА

Поэтик матнда ёруғлик ва ранг тилсимоти 66

ТИЛШУНОСЛИК

А.МАМАЖОНОВ, Г.РОЗИҚОВА

Стилистика – ифодали нутқ тизими 69

СТИЛИСТИКА – ИФОДАЛИ НУТҚ ТИЗИМИ

А.Мамажонов, Г.Розиқова

Аннотация

Ушбу мақолада тилнинг ифодалилик имкониятлари ҳамда нутқ бирликларининг эмоционал-экспрессив функциясини ўрганувчи стилистика соҳаси ҳақида фикр юритилади.

Аннотация

В данной статье авторы рассуждают о разделе стилистики, изучающей выразительные возможности языка, а также эмоционально-экспрессивной функции речевых единств.

Annotation

This article deals with the division of stylistics, which studies the expressive possibilities of the language, as well as the emotionally expressive function of verbal unity.

Таянч сўз ва иборалар: нутқ стили, нутқ экспрессивлиги, стилистика, индивидуал стилистика, стилистик восита, стилистик маъно, стилистик таҳлил, стилистик функция.

Ключевые слова и выражения: стиль речи, экспрессивность речи, стилистика, индивидуальная стилистика, стилистическое средство, стилистическое значение, стилистический анализ, стилистическая функция.

Keywords and expressions: style of speech, expressiveness of speech, style, individual stylistics, stylistic means, stylistic value, stylistic analysis, stylistic function.

Нутқ маданияти инсон умуммаданиятининг бир қисмидир. Киши ўз нутқи орқали фикрлаш қобилиятини, дунёқарашини, атрофдаги воқеа-ҳодисаларга бўлган ўз муносабатини намоён қилади. Нутқ маданияти инсон фикр, ҳис-туйғусининг тўғри, аниқ, тушунарли, мазмундор, образли, маълум бир мақсадга йўналтирилган ҳолда ифода этишида кўринади. Нутқ маданияти ҳар бир инсонда ўз фикрини ўзгаларга содда, ихчам ҳолда тез ва мукамал, шу билан бирга, қулай етказа олиш қобилиятининг мавжудлиги билан характерланади.

Ҳар қандай тарғиботчи ва ҳар қандай ташвиқотчининг санъати ҳам маълум ҳақиқатни тингловчиларга жуда яхши таъсир қилиш учун мумкин қадар ишонарли ҳамда аниқ эса сақланадиган қилиб етказишдан иборатдир.

Стилистика тилда мавжуд бўлган воситалар – фонетик, лексик-грамматик воситалардан нутқда қандай фойдаланиш зарурлиги, улардан қайси бирини қўллаш мувофиқ эканини ўргатувчи илмдир [1].

Ҳар бир киши умуммиллий тил воситаларидан ўзига ёққани ва кераклигини танлаб олади ва ўз фикрини ана шу воситалар орқали акс эттиради. Шунинг учун ҳам бир шахснинг нутқ услуби бошқаларникидан ўзига хос хусусиятлари билан фарқланиб туради.

Исталган нутқ стили матни ҳам илмий, ҳам адабий, ҳам сиёсий

нутқай назардан пухта ишланган бўлиши лозим. Бундай матнлар тузиш нутқ муаллифидан комплекс билимлар билан қуролланган бўлишни талаб этади. Комплекс билимлар билан қуролланишда эса стилистика фанининг роли беқиёс.

Стилистика тилшунослик фанининг узвий бир соҳаси сифатида адабий тилнинг белгиланган, маълум бир қонун-қоида остига олинган нормалари, улардан фойдаланиш йўллари ва қўлланиш доираси каби масалалар билан шуғулланади. Стилистика адабий тилнинг стилистик системаси, ифодали нутқ кўринишлари билан таништиради. Нутқ стиллари, лексик, грамматик синонимия ва полисемия, тилнинг бадиий тасвир воситалари ва уларнинг коннотатив маънолари стилистиканинг асосий мундарижасини ташкил этади.

Стилистика масалаларини ўрганиш ҳозирги кунда ўзбек тилшунослиги олдида турган долзарб муаммоларни талқин этиш демакдир. Маълумки, ҳозирги тилнинг функционал стиллари тез ривожланмоқда. Бу нарса мавжуд нутқ услубларида олиб борилаётган нашр ишларининг ниҳоятда кўпайиб кетаётганлиги билан характерланади. Яратилган ва яратилаётган тил бойликларидан тўғри фойдаланиш имкониятига эга бўлиш стилистика

А.Мамажонов – ФарДУ, филология фанлари доктори, профессор
Г.Розиқова – ФарДУ, филология фанлари номзоди, доцент.

нормаларини, унинг қонуниятларини чуқур англаш ва билишни тақозо этади.

Стилистика тилшуносликнинг бошқа соҳаларидан фарқли ўлароқ тилнинг ифодалилик имкониятларини ўрганади, ўргатади ҳамда турли нутқ услубларидаги тил воситаларининг қонуний шаклланишини аниқлайди.

Тил ёки нутқ бирликларининг исталган бир кўринишини стилистик нуқтаи назардан текшириш синтагматик ва прагматик алоқаларни ҳисобга олган ҳолда, яъни исталган тил ёки нутқ бирлигини яқка, алоҳида ажратиб олинган ҳолда эмас, балки у билан ёнма-ён турган бошқа нутқ бирликлари билан алоқага кирган жойни, контекстни назарда тутган ҳолда олиб бориш лозим. Акс ҳолда, ундай анализ стилистик таҳлил бўлиб чиқмайди.

Стилистика масалаларини ўрганиш, энг аввало, индивидуал стилистика таҳлилидан бошланади. Шунинг учун ҳам француз олими Ш.Балли: “Стилистика – бу инсоннинг ўзи” [2], деб жуда тўғри изоҳлаган.

Стилистиканинг энг биринчи вазифаси тил ва нутқ бирликларининг эмоционал-экспрессив функциясини кўрсатиб беришдан иборат. Стилистиканинг ўз текшириш усуллари бор. Булар ичида тил ва нутқ бирликларини қиёслаб ўрганиш усули катта роль ўйнайди ва стилистиканинг асосий методи ҳисобланади. Тил фактларини ўзаро қиёслаб ўрганиш нутқнинг ифодалилик имкониятлари системасини юзага келтиради. Ифодали нутқ системасининг юзага келиши эса ҳар бир тил стилистикасининг энг олий мақсадидир.

Назарий стилистика ҳам, амалий стилистика ҳам адабий тил нормаси – грамматик ва стилистик нормага таянган ҳолда иш кўради.

Грамматик нормани билиш тил фактларини тўғри ёзиш имконини берса, стилистик нормани билиш нутқнинг чиройли, таъсирчан ва қулайлигини таъминлайди.

Демак, нутқ маданиятини эгаллаш йўлларида бири грамматик ва стилистик нормаларни пухта ўзлаштириб олишдан иборатдир.

Стилистика тил ярусларига таянган ҳолда фонетик, лексик, морфологик, синтактик стилистика кабиларга бўлинади. Стилистика бўлимларининг ўз текшириш объектлари мавжуд.

Стилистика масалалари адабиётшунослик нуқтаи назаридан ҳам ўрганилиши мумкин. Бундай текширишда асосий эътибор умуммиллий тил таркибига кирувчи бир нутқ стили – бадий адабиёт тилига, маълум бир асарнинг ғоявий-тематик мазмуни, композицион қурилиши, ёзувчи ёки шоирнинг бадий маҳорати, методи, этик ва эстетик қарашлари кабиларга қаратилади. Стилистика масалаларини тилшунослик ва адабиётшунослик нуқтаи назаридан текшириш бири иккинчисига қарама-қарши қўйилмайди, аксинча, бир-бирини тўлдиради.

У ёки бу синтактик бутунлик маълум бир стилистик вазифани бажарар экан, бу функция бирон-бир грамматик структура ёки унинг варианты ёрдамида ифодаланиши табиий. Демак, стилистика ва грамматика бир-бири билан узвий боғлиқ, бири иккинчисисиз яшай олмайди: грамматикасиз стилистика, стилистикасиз грамматика бўлиши мумкин эмас. Грамматика стилистика учун материал беради. Стилистика грамматик воситаларга асосланади ва уларнинг коннотатив маъноларини очиб беради. Шунинг учун ҳам баъзи олимлар стилистика бевосита грамматиканинг давомидир, деб изоҳлайдилар.

Лингвистик грамматик формаларнинг нимани ифодалашинигина эмас, балки уни қандай ифодалашини ҳам [9] ўрганиши лозим. Демак, грамматик категориянинг ўзигина эмас, балки уларнинг поэтик қўлланиши (стилистик қўлланиши) ҳам аҳамиятлидир [10]. Шунинг ҳам алоҳида таъкидлаш лозимки, ҳар бир грамматик форма маълум бир истак, мақсад, эҳтиёж орқали юзага келади. Бу ҳол стилистиканинг семантика билан чамбарчас алоқада эканлигини кўрсатади.

Тил ёки нутқ бирликларининг семантик интерпретацияси лингвистик стилистика вазифасига кирса, уларнинг эстетик функциясини шарҳлаш стилистикага адабиётшунослик нуқтаи назаридан ёндашишдир.

Биргина синтактик конструкция муаллифнинг ихтиёри билан контекстда интонациянинг ўзгариши натижасида турли вазифани бажариши мумкин.

Тилшуносликда коннотация ҳодисаси лексик бирликларга хос, деган фикрларни учратамиз. Ҳақиқатда эса бу ҳодиса синтактик конструкцияларга ҳам хосдир [8].

ТИЛШУНОСЛИК

Грамматик стилистиканинг узвий ва маҳсулдор қисми ҳисобланган синтактик стилистика ҳақида рус тилшунос олими А.М.Пешковский шундай ёзади: “Стилистик имкониятлар морфологиядагига нисбатан синтаксисда ранг-баранг, кенг ва аҳамиятлироқдир” [6].

Синтактик стилистика мундарижаси умумий стилистика вазифаларидан келиб чиқади. Нутқ бирликларининг ижтимоий қўлланиш доираси синтактик синономия ва полисемия, синтактик конструкцияларда қўлланивчи синтактик-стилистик воситалар каби масалаларни изоҳлаш синтактик стилистика вазифаларига киради.

Ҳар қандай нутқ бирлигининг энг камида икки томони бор: нутқ муаллифи – адресант ва қабул қилувчи – адресат. Бу томонларнинг мавжудлиги улар ўртасида қандайдир алоқа борлигини, бу алоқанинг қайсидир формада акс этишини тақозо этади. Истаган нутқ матнида бундай алоқанинг мавжудлиги кўп олимлар томонидан таъкидланган [7].

Ҳар бир китоб “гапирувчи шахс сифатида ўқувчига мурожаат этади ва ундан тақриз-жавоб кутади” [3].

Бундан шундай хулоса келиб чиқадики, ҳар қандай гап тури икки вазифани бажаради: маълум бир воқеа-ҳодиса ҳақида фикр ифодалаш ва шу фикрга бўлган муносабатни талаб этиш. Нутқ бирликларининг бу икки функцияси бир-бири билан узвий боғлиқ

бўлиб, бирисиз иккинчиси ҳаракатда бўлмайди – уларсиз коммуникация йўқ. Биринчи функция нутқ муаллифи томонидан, иккинчи функция қабул қилувчи томонидан амалга оширилади. Нутқ бирлиги орқали ифодаланган фикрга бўлган муносабатнинг қай ҳолда реаллашуви натижасида нутқнинг учинчи – таъсир этиш, уйғотиш функцияси кузатилади. Бу, стилистик функциядир. Тил воситалари нутқ жараёнида бирор стилистик усул билан қўлланганда, стилистик функцияни бажаради ва шу тақдирдагина стилистик воситага айланади. Стилистик восита эса нутқ бирлигининг экспрессивлигини таъминлайди.

Агар стилистик маъно ҳар бир стиль – нутқ бирлиги мундарижасининг плани бўлса, экспрессия, бу ана шу мундарижанинг ифода планидир, деб ёзади Т.Г.Винокур [4].

Нутқни янада ёрқинроқ, таъсирчанроқ, таассуротлироқ қиладиган нарсаларнинг ҳаммаси экспрессиядир. Демак, нутқ экспрессивлиги – нутқни ёрқин, таъсирчан, таассуротли қилувчи воситалардир [5].

Стилистик функция китобхонда ёзувчи томонидан баён қилинган фикрдан кифояланиш ёки таъсирланиш, завқланиш ёки ҳаяжонланиш, қайғу ёки шодлик каби ҳислар ва руҳий ҳолатларнинг уйғониши билан характерланади.

Адабиётлар:

1. Абдурахмонов Ғ. Ўзбек адабий тилининг стилистик нормалари. // Ўзбек тили нутқ маданиятига оид масалалар. – Т., 1973.
2. Балли Ш. Французская стилистика. – М., 1961.
3. Виноградов В.В. О теории художественной речи. – М., 1971.
4. Винокур Т.Г. Закономерности стилистического использования языковых единиц. // Автореф. Дис... д-ра филол. наук. – М., 1980.
5. Галкина – Федорук Е.М., Горшкова К.В., Шанский Н.М. Современный русский язык. – М., 1962.
6. Розенталь Д.Э. Практическая стилистика русского языка. – М., 1974.
7. Формановская Н.И. Стилистика сложного предложения: – М., 1978.
8. Қўнғуров Р. Субъектив баҳо формаларининг семантик ва стилистик хусусиятлари. – Т., 1980.
9. Шендельс. О стилистической грамматике// Иностранный язык в высшей школе, вып. 2. – М., 1966.
10. Чичерин А.В. Заметки о стилистической роли грамматических форм. // Слово и образ – М., 1964.